



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

**IQTIDORLI TALABALAR, MAGISTRANTLAR, TAYANCH
DOKTORANTLAR VA DOKTORANTLARNING**

TAFAKKUR VA TALQIN

**MAVZUSIDARESPUBLIKA
MIQYOSIDAGI ILMYIY-AMALIY
ANJUMAN TO'PLAMI**



Бухоро-2021

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OY VA O‘RTA
MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
MAGISTRATURA BO‘LIMI**

**IQTIDORLI TALABALAR, MAGISTRANTLAR, TAYANCH
DOKTORANTLAR VA DOKTORANTLARNING**

TAFAKKUR VA TALQIN

mavzusida

**Respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy
anjuman to‘plami**

2021 yil, 27-may

Tahrir hay'ati:

O.X.Xamidov	- Iqtisodiyot fanlari doktori, professor
M.I.Daminov	- Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
O.S. Qahhorov	- Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (DSc), dotsent
S.Q. Qaxxorov	- Pedagogika fanlari doktori, professor
D.R. Djurayev	- Fizika-matematika fanlari doktori, professor
A.A. Turayev	- Fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
M.Y. Ergashov	- Kimyo fanlari nomzodi, professor
B.N.Navro'z-zoda	- Iqtisodiyot fanlari doktori, professor
SH.A. Hayitov	- Tarix fanlari doktori, professor
D.S. O'rayeva	- Filologiya fanlari doktori, professor
S. Bo'riyev	- Biologiya fanlari doktori, professor
SH.R.Barotov	- Psixologiya fanlari doktori, professor
SH.SH.Olimov	- Pedagogika fanlari doktori, professor
A.R.Hamroyev	- Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Mas'ul muharrir:

A.A. Turayev – magistratura bo'limi boshlig'i f.-m.f.f.d., (PhD) dotsent

Musahhih:

T.Sh.Ergashev – ta'lim sifatini nazorat qilish bo'limi bosh mutaxassisi

D.Rahmatova – magistratura bo'limi uslubshunosi

B.A.Hikmatov – magistrant

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24-yanvardagi Oliy majlisga yo'llagan murojatnomasi va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 2020 yil 7- fevraldagi 56-F-son farmoyishiga hamda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2021 yil 4-maydagi № 3/19-04/05-26 son xatiga asosan ushbu Respublika ilmiy-amaliy anjuman tashkil etildi. To'plamda iqtidorli talabalar, magistrantlar, tayanch doktorantlar va doktorantlarning ilmiy izlanishlari, tajriba almashish, sohalarda amalga oshirilayotgan ishlarni tahlil qilish va bu boradagi takliflarni ishlab chiqish bo'yicha ilmiy-amaliy va uslubiy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Mazkur to'plamga kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma'lumotlar hamda bildirilgan fikr va mulohazalarga mualliflarning o'zlari mas'uldirlar.

konsepsiyasida bolalarda intellektual rivojlanishni erta boshlashdan bosh tortilgan. Dastlab bolalar hissiy jihatdan kamol topishlari, baxtni his etishlari guruh bolalari bilan bir oila bo'lishni o'rganishlari zarur deb belgilangan.

Keyingi qiziqarli noan'anaviy mashg'ulotlardan biri bu – bog'dorchilikdir. Bolalar va tarbiyachilar birgalikda guruh uchun belgilangan maydonchada sabzavotlar ekishadi. Har kun bu ekinlarni sug'orib, hosil olguncha amaliy tarzda sabzavotlarning foydali xususiyatlarini bilib olishadi. Hattoki hosilni bolalar o'z qo'llari bilan yi'g'ib oladilar va shu sabzavotlarni iste'mol qiladilar. Valfdor maktabgacha ta'lim muassasasining barcha guruhlari uchun maydonchalar mavjud va barcha bolalar hamjihat mehnat qilib, o'z-o'ziga xizmat qilishni o'rganib boradilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Edmunds, Francis (2004). An Introduction to Steiner Education: The Waldorf School. Forest Row: Sophia Books. p. 86. ISBN 9781855841727.2
2. Jump up to:^aZdrazil, Tomas (2018). "Theorie-Praxis Verhältnis in der Waldorfpädagogik". In Kern, Holger; Zdrazil, Tomas; Götte, Wenzel Michael (eds.). Lehrerbildung in der Waldorfschule. Weinheim, DE: Juventa. p. 34. ISBN 9783779938293.
3. Jump up to:^a ^b ^c ^d "Statistics for Waldorf schools worldwide" (PDF).

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ МАЗМУНИ.

У. Т. Жумаев

Бухоро давлат университети магистранти.

Аннотатсия: мақолада мактабгача тарбия ташкилотларида тарбия жараёни мазмуни, шакли, методлари ёритилган.

Калит сўзлар: мактабгача тарбия тарбия жараёни тарбия мазмуни, тарбия шакли, тарбия методлари.

Мактабгача тарбиянинг вазифаси бола тараққиётини тезлаштириш, уни тезроқ ўқувчи қилиб қўйиш эмас, балки энг аввало ҳар бир бола ўз имконият ва қобилиятларини намоён қилишга шароит яратишдан иборат. Мактабгача ёшдаги боланинг билиш жараёни хусусий амалий йўл билан юзага келади. Ҳар бир бола кичик тадқиқотчи. У фаолликни кўради, бола фаолияти қанчалик тўла ва турли – туман бўлса унинг ривожланиши шунчалик осон кечади. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги боланинг энг кенг тарқалган фаолиятлари – ўйин, катталар ва тенгдошлари билан мулоқат, предметли, тасвирий, бадий театрлашган фаолият, меҳнат жараёнига дастурда катта ўрин берилган. Айнан шу фаолиятлар жараёнида боланинг ақлий тараққиёти, ҳиссий шахсий ривожини юз беради, ахлоқдаги эҳтиётлик, мантиқий тафаккур ўз – ўзини назорат қилиш, ижодий тасаввур каби ҳислатлар таркиб топади.

Мактабгача ёшдаги боланинг тараққиёти унинг олам билан алоқасини яхши йўлга қўйилган ҳолда муваффақиятли кечади. Болаларда ҳиссий ҳозиржавобликни тарбиялаш, фаолияти, ҳатти - ҳаракати ва фаолиятида инсоний муносабатларни намоён қилиш вазифасини қўяди. Бу вазифа болаларнинг барча тирик жонзотлари бирлиги ғоясини тушуниш орқали бажарилади.

Тарбиячининг асосий вазифаси болалар кундалик ҳаётини қизиқарли ишлар, муаммолар, ғоялар билан тўлдириш, ҳар бир болани мазмунли фаолиятга жалб этиш, қизиқиш, ҳаётини фаолиятларини қондиришидан иборат. Болалар фаолиятини ташкил этар экан, тарбиячи ҳар бир болада ташаббускорликка интилиш, турли ҳаётини муаммолардан тўғри йўл топиб чиқиб кета олишга интилишини таркиб топтиради.

Машғулотларнинг боғчадаги педагогик жараёнидаги ўрнини инкор қилмаган ҳолда, муаллифлар уларни болалар билан ишнинг бош воситаси

деб ҳисобламайдилар. Шу муносабат билан машғулотлар сони уларнинг давомийлиги аниқ белгиланмаган. Тарбиячининг ўзи уларнинг қайси бирини қачон, қайси воситалар билан ташкил қилишни белгилайдилар. Машғулотларни ўтишидан мақсад, болаларнинг шахсий тажрибаларини умумийлаштириш чуқурлаштириш, бир тизимга солишдан иборат.

Таълим қизиқарли, муаммоли бўлиши, боланинг мунтазам равишда ўсиши мустақиллиги ва ижодкорлигини таъминлаши лозим. Кўп ҳолларда машғулотлар болаларни гуруҳчаларга бўлган ҳолда интеграллаштириб ўтказилади.

Кичик мактабгача ёш

1. Кичик мактабгача ёшдаги бола боғчада кичик ёшдан мактабгача ёшдаги бола тараққиётида муҳим даврдир. Айнан шу даврда бола катталар ва тенгдошлари билан мулоқатларнинг янги кўринишларига ўта бошлайди, нарсаларга янги муносабатда бўла бошлайди.

Бола илк ёшлик пайтида кўп нарсани ўрганиб олди: юришни, нарсалар билан ҳатти - ҳаракатлар бажаришни ўрганди, нутқни идрок этишни билиб олди, катталар билан мулоқот қилиш тажрибасини эгаллади, уларнинг ғамхўрлигини ҳис қилди.

Психологлар “3 ёш кризисига” эътибор бериб, кўрсатишларича, бола характерида бўладиган ўзгаришлар юз беради. Шу сабабли, катталар бола билан муносабатларини ўзгартиришлари, унга кўпроқ эркинлик, мустақиллик беришлари керак. Катталарнинг вазифаси боладаги мустақилликка интилишни рағбатлантириши, унинг кучига ишонишини қўллаб – қувватлаш лозим.

Кичик мактабгача ёшдаги болалар билан ишда асосийси шуки, катталар болаларга ўз фаолиятидаги ютуқларидан қувонишга имкон яратиши лозим.

Катталар болалар билан биргаликда фаолиятда ҳатти - ҳаракатларининг янги усул ва услубларини ўргатади, бола

имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил ҳаракат соҳаларини кенгайтиради.

Тарбиячига ишонч ва унга боғланиб қолиш – боғчада ўзини яхши ҳис қилиши ва ривожланиши учун зарур шарт. Кичик ёшдаги бола онанинг кўллаб – қувватлаши ва тарбиячи ғамхўрлигига муҳтож бўлади. Тарбиячи кун давомида ҳар бир болага эътибор ажрата олиши, мулойим гапириши, эркалаши керак. Тарбиячи муҳаббатини ҳис қилган боланинг атрофдагилар билан мулоқатга киришиши осон бўлади. У катталар хатти - ҳаракатига бажонидил таҳлид қилади, улар билан ўйнайди. Кичик ёш охирига келиб, катталарга кўплаб саволлар берадиган, ҳамма нарсага қизиқадиган бўлади.

Тарбиячи боладаги бу хусусиятни ҳам рағбатлантириши, кузатиш, таққослаш, текширишга ундаши лозим. У болалар билан бирга хурсанд бўлиши, хайрон қолиши, севиниши лозим. Кичик боғча ёшдаги бола тараққиётида катталар билан мулоқотнинг муҳим аҳамиятини ҳисобига олиб, тарбиячи ҳар куни ҳар бир бола билан албатта мулоқатда бўлади.

Ўйин, нарсалар билан шуғулланганда, бадий фаолиятда тарбиячи болаларга мақсад белгилаш, олинган натижани мақсад билан таққослашга ўргатади.

Кичик мактабгача ёш даврда болада тенгдошлари билан мулоқат эҳтиёжи ўсиб боради. Тарбиячи болаларни кичик гуруҳларда ўйнашга жалб этади, бирга бажаришлари учун топшириқлар беради. ҳар куни тарбиячи гуруҳда болалар ўзаро мулоқатининг турли кўринишларини ташкил этади. Ўзлари мустақил, ихтиёрий фаолият танлашларига шароит яратади.

Кичик мактаб ёшда болаларда теварак – атрофида нисбатан ижобий муносабатни тарбиялашга қулай шароит яратилади. Бу борада тарбиячи болага намуна бўлиши керак.

Кичик боғча ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Болаларнинг боғчага кўникишларига шароит яратиш, тарбиячи гуруҳдаги болалар билан ижобий муносабатларини йўлга қўйиши ҳар бир боланинг фаолиятини таъминлаш лозим.

2. Болалар жисмоний тараққиётини таъминлаш, асосий ҳаракат турлари, гигиеник малакаларини эгаллашларига шароит яратади.

3. Болаларнинг билиш фаоллигини ўстириш, теварак – атрофидаги нарса ва ҳодисаларга доир тушунчаларни бойитиш, нарсаларнинг хусусиятларини сенсор текширув, таққослов, таҳлил асосида ажратишга ўргатиш, ўйин, мулоқат қилиш малакаларини ҳосил бўлишига шароит яратиш.

4. Теварак – атрофига ижобий муносабатни, бошқа одамларга нисбатан меҳрибонлик, ўсимлик ва ҳайвонларни асраб – авайлаш ҳиссини тарбиялаш.

5. ҳамкорликда фаолият қилишга қизиқишини ўстириш, катталар ва тенгдошлар билан нутқий мулоқатга кириша олиш малакасини ўстириш.

6. Болалар тасавури, ижодий қобилиятларининг ўсишига шароит яратиш. Ўйин ва бадий фаолиятда иштирок этишга қизиқтириш. Ўз режа ва истакларини амалга оширишда қувонишга ўргатиш.

Ҳаракат маданияти асосларини эгаллаш.

ҳаётининг учинчи йили.

Тарбиячининг вазифалари:

- ҳаракатли ўйин ва ўйин машқларда иштирок этишга ҳошиш уйғотиш;

- Болаларни тарбиячи билан бирга машқлар бажаришга ўргатиш; ҳаракат пайтида сигналларга риоя қилишга ўргатиш.

Бола нимани ўрганади:

1. Сафланиш, қайта сайланиш.

2. Умумривожлантирувчи машқлар:

- асосий ҳолатлар (туриб, ўтириб, ётиб);

- ўтириб туриш;

- кўлларнинг содда ҳаракатлари (бир вақтда, бир томонга), нарсалар билан на нарсасиз.

3. Асосий ҳаракатлар:

- турли йўналишда юриш, югириш;

- мувозанат сақлаш машқлари (баландлиги 25 см.гача кенглиги 20см.гача);

- секин ва жадал югуриш;

- турган ва илгарилама ҳаракат билан сакраш, нарса устидан сакраб туриш;

- тўпни бир – бирига думалатиш; нарса устидан ошириб ирғитиш; горизонтал, вертикал нишонга, узоққа отиш;

- тўрт оёқлаб эмаклаш.

Кичкинтойларга таълим бериш ўйин жараёнида осонроқ амалга оширилади, шунинг учун ўйин машғулотларнинг асосий кўриниш ва бош мазмунини ташкил этади.

Сайрда қум, қор, сув предметлар ва ўйинчоқлар билан ўйинлар болаларнинг атрофдаги нарсаларнинг хусусият ва хоссалари ҳақидаги ва нимага ишлатилиши билимларини бойитади, қизиқишларини оширади.

Тарбиячилар билан биргаликда мазмунли ва мустақил ўйинлар болаларга оддий ҳаётий ҳолатлар мантиқини тушуниш имконини беради: «айиқчага овқат тайёрлаймиз», «кўғирчоқни ювинтирамиз», «куёнчани даволаймиз», «меҳмон кутамиз» кабилар.

Қувноқ маукчалар, кушчалар, капалаклар, қорпарчалар бўлиб тақлид қилиб ўйнаш болаларда ижодкорлик, ташаббускорликни ўстиради.

Кун давомида ҳар бир бола ўйинларда иштирок этишдан ижобий тассурот олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997, 30-61-бетлар.
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”.Т.:2007 й.
3. Абдурахмонова Д.А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртақларидан фойдаланиш: Пед. фанл. ном. дисс ... – , 1998. – 171 б.
4. Абдуллаева М. Болалар ўйинларида ўзаро муносабатлар. Бошланғич талим, 2000 й 3 май-июн,22б-б
5. Валихўжаева Ф. Б. Талабаларни мактабгача таълим муассасаларида болаларга эстетик тарбия беришга тайёрлаш: Пед.фанл.номз.дисс. – Т.: 2005. – 135 б.
6. Жамоллиддинов М.Р. Юқори синф адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий халқ анъаналари руҳида тарбиялаш..(А.Қодирий ва Чўлпон ижоди мисолида): Пед.фанл.номз... ёзилган дисс. Низомий номидаги ТД. Пед.инс- Т., 1993.- 170 б.
7. Жумабоев М. Болалар адабиёти.- Т.: Ўқитувчи, 1994.- 256 б

МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALAR DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRISHDA MULTIMEDIA VOSITALARIDAN

FOYDALANISH

G.Q. Hasanova¹, G.N.Davranova²

BuxDU, dotsent, pedagogika fanlari nomzodi¹

BuxDU, 2-bosqich magistranti²

Annotatsiya: Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda mashg'ulotlar davomida multimedia vositalaridan foydalangan holda dunyoqarashni kengaytirish, ularning tasavvurlarni boyitish, tarbiyalanuvchilarda yangi tushuncha va bilimlarni shakllantirishda interfaol

гуллаб-яшнаган ва қудратли давлатга айланиб, минтақада етакчиликни кўлга киритган. Шаҳар ҳокими Ғазонфар Бухоро ҳукумронлигини тан олгани боис Афғонистон амири Ёрмуҳаммад шаҳарни тўрт ой қамал қилиб, уни вайронага айлантиради. Сайёҳ 1862 йилда бу ерда бўлганида Андхой ҳокими Маймана билан афғон Туркистони ҳудудларида етакчилик учун кураш олиб борганлиги ва енгилгани билан боғлиқ маълумотларни ёзиб қолдирган[2,202]. Россия матбуот органларидан бўлган “Новое время” (“Янги вақт”) матбуот органининг 1880 йилдаги сонларининг бирида афғон Туркистонидаги Маймана, Сарипул, Шибирғон, Оқча, Андхой, Балх, Гурзивон, Дарзоб, Қундуз ва Бадахшонлардан фақатгина ички бошқарувда Андхой мулкигина мустақилликни сақлаб қолган. Ҳукумдор Мир Давлатхон Кобул хазинасидан йилига 12 минг рупия (7200 рубъл) пенсия олади. Андхойнинг мустақилликни сақлаб қолишига Майманани бўйсундиришда Шералихонга ёрдам берганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Шунингдек, афғон Туркистони мулкларини 1850 йиллардан бошлаб тугатилиб, уларнинг мулклари афғон амирлиги мулкларига айлантирила бошланганлигини ҳам кўриш мумкин. Келтирилган маълумотларда Маймана, Шибирғон, Сарипул, Бадахшон мулклари 1874 йил, Оқча, Мозори- шариф, Хулум мулклари 1850 йилларда тугатилганлиги, Дарбоз, Гурзивон 1870 йилларда тугатилганлиги билан боғлиқ маълумотларни ўқиш мумкин[6,21-22].

XIX асрнинг 60- йилларида афғон Туркистони учун курашлар кескин тус олганлигини Ҳ.Вамбери ҳам ёзиб қолдирган. Вамбери Қундуз, Хулум, Балх, Оқча, Сарипул, Шибирғон, Андхой, Маймана ҳокимларини Бухоро ва афғон амирлари ўз манфаатлари йўлидаги курашларда фойдаланаётганликларини, бу ўлкани вайрона аҳволга олиб келаётганлигини, фақатгина Афғонистон амири Дўстмуҳаммадхон давридагина ўзбек хонликлари тўлиқ бўйсундирилганлигини ёзиб қолдиради. Вамбери маълумотларидан, Маймана хонлиги мустақилликни

кўлида сақлаб қолганлигини англаш мумкин. Унинг ёзишича, 1862 йилда Маймана Дўстмуҳаммадхонга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Бу жангда ўзбекларнинг қаҳрамонлиги ҳақида мақоллар тўқилди, деб ёзади. Маймана ўзбеклари ташқи кўриниш ва жанглardaги шижоати билан алоҳида ажралиб туриши, улар билан бу борада Шаҳрисабз ўзбеклари бас бойлаши мумкинлиги ҳам сайёҳ эътиборидан четда қолмаган. Дўстмуҳаммад вафотидан сўнг, Бухоро амири Маймана ҳуқумдори Ҳусайнхонга 100 минг тилла юборгани, Маймананинг ёш ҳуқумдори қизиққонлиги сабабли ўз иттифоқчисини кутмай курашни бошлаб юборанлиги билан боғлиқ маълумотлар XIX асрнинг 60- йилларида афғон Туркистони мулкларининг ўз мустақиллиги йўлидаги сўнгги курашлар палласи бошланганлигидан далолат беради[2,205].

Туркистон ўлкасини Россия империяси истило қилиш жараёнида ҳам Бухоро ва Афғонистон давлатларининг зиддиятли ҳудудлардаги муаммолари давом этаверган. 1868 йили Бухоро амирлиги устидан Россия империяси протекторатининг ўрнатилиши, шаҳзода Абдумалик Катта тўранинг Афғонистонга кетиши ва Кобулда уни яхши кутиб олиниб, афғон маликасига уйланиши ҳақидаги хабарлар Бухоро маъмурларини ташвишга солиб қўяди. Вужудга келган вазиятда Абдумалик Катта Тўранинг Бухоро тахтига даъво қилиши, Афғонистонни амалда Бухоро устидан ҳукмронликни ўрнатишга уриниши сифатида баҳоланади. Бухоро амири Музаффархон бунга жавобан ўзининг Бадахшон ва Амударё юқори оқимидаги ўлкаларда аввалги ҳуқуқини тиклашни даъво қилади. Шу мақсадда Кобулга Хўжа Эшон Ўронни юбориб, унчалик муҳим бўлмаган иккита манзилни Бухорога қайтаришни сўрайди. Бу эса, афғонларни кўлига қурол олиши учун етарли бўлган. Вужудга келган вазиятда ўз вассали ҳудудлари учун курашда иштирок этиш келажакда Англия билан тўқнашувни келтириб чиқаришини яхши англаган Россия империяси 1869

йилда Бухорода музокаралар ўтказилишига эришиб, икки давлат ўртасидаги чегара сифатида Амударё белгиланишига эришади[3,201].

Бухоро ва Афғонистон ўртасида афғон Туркистон хусусидаги зиддиятлар барҳам топсада, айрим ўлкаларда Афғонистонга қарши кураш кейинчалик ҳам давом этаверган. “Туркистон тўплами” маълумотларида Бадахшон 1872-1874 йилларда бўйсундирилган бўлсада, унинг аҳолиси курашни кейинги даврларда ҳам давом эттираётганлиги билан боғлиқ маълумотларни ўқиш мумкин[4,118e].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро ва Афғонистон давлатлари афғон Туркистонидаги ўзбек хонликлари учун бир асрдан ортиқ муддат ўзаро курашлар олиб бордилар. Аммо, бу курашларда ҳар икки томон ўз манфаатларини кўзлаганлар. Ўзбек хонликлари эса, гоҳ Бухоро, гоҳ Афғонистон давлатлари, гоҳида ўзаро курашларда кучсизланиб, охир-оқибатда Туркистон ўлкаси уч мустамлака давлат томонидан ишғол қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Бартольд В.В. Сочинения. Том VIII. Работы по источниковедению. – М.: Наука, 1973. – 723 с.
- 2.Вамбери. А. Путишествие по Средней Азии в 1863 г. – М.: Издание А.И. Мамонтова, 1867. – С. 202.// Туркестанский сборник. Том 12. – 370 с.
- 3.Вамбери А. Прекращение пограничных споров между Бухарой и Афганистаном//Туркестанский сборник. Том 41. – С. 201.
- 4.Венюков М. Мелкия государства по верховьям Окса// Туркестанский сборник. Том 41. – С. 118 a,b,s,d,e,f.
- 5.Ганковский Ю.В империя Дуррани. Очерки админстративной и военной системы. – М.: Издательство Восточной литературы 1958. – 173 с.